

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
**Чет эл капитали иштирокидаги**  
**«Invest Finance Bank» акциядорлик**  
**тижорат банки**  
(эмитенттинг номи)

**Кенгаши раиси З.С. Абдуллаев**

(эмитенттундаури кенгаши раисининг Ф.И.Ш. ва имзо)

2019 йил «30» октябр 82 – сонли баённома



**АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР**  
**Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» акциядорлик тижорат банки**

(эмитенттинг тўлик номи кўрсатилади)

<b>Идентификация рақами берилди:</b>	R 41112 P 0820 R 3
	R 41112 P 0820 R 1

Эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги 20 000 000 (йигирма миллион) дона оддий ва эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги 100 000 000 (бир юз миллион) дона имтиёзли акциялар номинал

кймати 1 000 (бир минг) сўм.

(акциялар тури ва соня, уларни чиқариши шакли, номинал кймати кўрсатилади)

**Акциялар ёпиқ обуна йўли билан жойлаштирилади.**  
(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

**Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ўн иккинчи чиқарилишдир.**  
(чиқарилишнинг тартиб раками)

**Тасдикланган: АТБ «InFinBank» Кенгаши мажлисининг 2019 йил 30 октябрдаги Қарори 82 – сонли мажлис Баённомаси.**

(эмитенттинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги карорини тасдиклаган органн кўрсатилади)

**АТБ «InFinBank» Кенгаши мажлисининг 2019 йил 30 октябрдаги Қарори 82 – сонли мажлис Баённомаси асосида.**

(эмитенттинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги карорини кабул килган органни кўрсатилади)

Эмитенттинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили – 100029, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шахри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1-уй. Телефон: (+99 871 202 50 60), электрон почта манзили – info@infinbank.com

Эмитенттинг раҳбари:



Муҳ.

**Бурханов Бобир Нодирхонович**  
(Ф.И.Ш., имзо)

**Тошпулатхужаев Жамолхужа Омонхужа угли**  
(Ф.И.Ш., имзо)

Сана: 2019 йил 30 октябр

Қимматли, козодар чиқарилишига доир хужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция маслаҳатчизининг номи – «KAPITAL-DEPOZIT» масъулияти чекланган жамияти

Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома раками ва санаси – 2012 йил 01 августдаги 16/K12 сонли шартнома

Инвестиция маслаҳатчиси раҳбарининг Ф.И.Ш. ва имзо – Директор Ходжаев Фаррух Рахимджанович

Муҳ.



Сана: 2019 йил 30 октябр

**«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»**  
**Капитал бозорини ривожлантириш Агентлиги**  
(рўйхатдан ўтказувчи органинг номи)

**Директори А.А. Назиров**

(рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатли шахсинг лавозими, Ф.И.Ш., имзо)

2019 йил «18» ноўбр 20-12 -сон  
(санаси)

M.У.



- Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури – **оддий ва имтиёзли**.
  - Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли –**хужжатсиз**.
  - Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати – **1 000 (бир минг) сўм**.
  - Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони:
    - оддий акциялар – 20 000 000 (йигирма миллион) дона;**
    - имтиёзли акциялар – 100 000 000 (бир юз миллион) дона.**
  - Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми –**120 000 000 000 (бир юз йигирма миллиард) сўм**.
  - Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг хукуқлари
- Банкнинг оддий акциялари эгаси қўйидаги хукуқларга эга:
- Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
  - депо хисобварагидан ўзига таалуқли кўчирма олиш;
  - Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
  - Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
  - акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;
  - Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
  - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
  - қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хукуқларини химоя қилиш;
  - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
  - ўз манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
  - қимматли қофозларни олишда зарап кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
  - Банк акциялари берадиган хукуқларни (хукуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
  - Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг нархномалари тўғрисида ахборот олиш;
  - Банкнинг бошқа акциядорлари томонидан сотилаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нарх бўйича ва шартлар асосида, ўзларига тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда имтиёзли сотиб олиш;
  - Банк акциядорлари ўзларига тегишли акциялар билан тасдиqlangan хукуқларини амалга ошириш тартибини белгиловчи акциядорлик келишувини тузишга ҳақли. Акциядорлик келишувини тузган Банк акциядорлари мазкур келишувнинг нусхасини илова қилган ҳолда Банкни акциядорлик келишувини тузилганилиги тўғрисида дархол хабардор қилиши шарт;
  - Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк устави билан белгиланган бошқа хукуқлар.
- Банкнинг имтиёзли акциялари эгаси қўйидаги хукуқларга эга:
- Банк Уставида белгиланган миқдордаги дивидендни биринчи навбатда олиш;
  - Банк тугатилган тақдирда имтиёзли акциялар тугатиш қийматини олиш;
  - Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Банк уставида қўзда тутилган ҳолатларда овоз бериш хукуқи билан акциядорлар умумий йигилишида иштирок этиш;
  - Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк устави билан белгиланган бошқа хукуқлар.
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар – Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан Банк устави ва акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ чекловлар мавжуд. Банкнинг овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорлар чиқарилаётган акцияларни ўзлари эга бўлган овоз берувчи акциялар сонига мутаносиб миқдорда имтиёзли сотиб олишга ҳақлидирлар.
- Имтиёзли хукуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали аввалдан аниқланган инвесторларга жойлаштирилади.
- Банк устав капиталининг миқдори – **400 000 000 000 (тўрт юз миллиард) сўм**.
  - Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади) – **Номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 400 000 000 (тўрт юз миллион) дона хужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар**.
  - Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади) – **Банк илгари номинал қиймати 1 000 000 (бир миллион) сўм бўлган 100 000 (бир юз минг) дона хужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган 100 000 000 000 (бир юз миллиард) сўм миқдорида корпоратив облигацияларни муомалага чиқарган ва 30.10.2019 йил холатига жойлаштирилмаган**.
  - Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.
- 11.1.** Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):  
(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек, акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).
- Оддий акциялар ёпиқ обуна орқали акциядорлар ўртасида жойлаштирилади:

№	Жисмоний шахс	Жойлаштириладиган акциялар сони (дона)
1	Mamatdjanov Faxritdin Djurayevich	6 973 676

№	Юридик шахслар	Жойлаштириладиган акциялар сони (дона)
2	«Swiss Capital International Group AG» (Швейцария) Компанияси	7 000 000
3	«UZTEX Tashkent» МЧЖ кўшма корхонаси	2 540 800
4	«ASIA TRANS TERMINAL» МЧЖ	1 629 906
5	«PRESTIJ RIELT» МЧЖ	1 855 618
	<b>Жами</b>	<b>20 000 000</b>

Имтиёзли акцияларнинг барчаси ёпиқ обуна орқали «UZAUTOMOTORS» АЖга жойлаштирилади.

### 11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштиришишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришини бошлиш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириши муддатини белгилаш тартиби. Агар акцияларни жойлаштириши муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиши санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек, бундай ахборотни ошкор қилиши тартиби ҳам кўрсатилади.)

**Чиқарилаётган акциялар Капитал бозорини ривожлантириш Агентлиги томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил муддатда жойлаштирилади.**

Акцияларни жойлаштиришини бошлиш санаси – Акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар ва имтиёзли ҳукукнинг амал қилиш муддати билдиришномаси қонун хужжатларида ўрнатилган тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан 11 (ўн биринчи) кун, бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳукукининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар Банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳукуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш хақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунидаги бошланади.

Акцияларни жойлаштиришини тугатиш санаси – Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришини тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш Капитал бозорини ривожлантириш Агентлиги томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.

### 11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштиришишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштиришишининг боришида фуқаролик-ҳукуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириши амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириши эмитентга акцияларни жойлаштириши бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиши билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишида қўйидағилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;  
профессионал фаoliyati амалга оширишига доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиши муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириши бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек, ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)

**Мазкур чиқарилишдаги Банкнинг акциялари ташкиллаштирилмаган (уюшмаган) қимматли қоғозлар бозорида инвестор билан бевосита фуқаролик-ҳукуқий битим тузиш йўли билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади, бунда битимлар Банкка хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси томонидан рўйхатга олинади. Акцияларни жойлаштириш Банк томонидан мустакил равишида қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.**

**11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳукукларни хисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳукуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефoni:**

#### **Марказий депозитарий хақида маълумот:**

Номи – “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” давлат корхонаси;

Жойлашган жойи ва почта манзили – 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустакиллик кўчаси 107-й;

Телефон – 71 267-37-42, Факс: 71 267-36-42.

#### **Қимматли қоғозлар эгалари ҳукукларини хисобга олишни амалга оширувчи ва битимларни рўйхатга олувчи инвестиция воситачиси хақида маълумот:**

Тўлиқ номи: “Kapital-Depozit” масъулияти чекланган жамияти;

Жойлашган жойи ва почта манзили – 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Оққўрғон кўчаси 25-й;

Телефон - 71 286-20-32, Факс: 71 286-20-31.

**11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳукукни амалга ошириш тартиби:**

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишига бўлган имтиёзли ҳукуқ тақдим этилган тақдирда қўйидағилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳукуқка эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштирилаётган акцияларни олишига бўлган имтиёзли ҳукукни амалга ошириши эҳтимоли билдириши тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишига бўлган имтиёзли ҳукукни амалга ошириши тартиби.)

**Банк акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳукукига эга шахсларнинг рўйхати 2019 йил 30 октябр**

**холатига шакллантирилган Банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.**

Банк акциялари чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичida оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли хукуқига эга бўлган акциядорларига акцияларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда олишни таклиф этади.

Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу хукуқи амал қиласидаги муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

**Имтиёзли сотиб олиш хукуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қиласи.**

Имтиёзли хукуқка эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони қўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Банкка юбориш орқали ўз имтиёзли хукуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли хукуқининг амал қилиш муддати ичida Банкка тақдим этилиши керак.

Имтиёзли хукуқининг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли хукуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиши ҳақида ёзма равишида аризалар олинган бўлса, тугайди.

Банк имтиёзли хукуқининг амал қилиш муддати тутагунига қадар акцияларни олиш бўйича имтиёзли хукуқка эга бўлмаган шахсларга жойлаштиришга ҳақли эмас.

Банкнинг барча акциядорлари томонидан имтиёзли хукуқдан фойдаланилмаган ҳолатда, Банкнинг оддий акциялари Банк акциядорлари ўртасида, имтиёзли акциялари эса «UZAUTOMOTORS» АЖГА жойлаштирилади.

#### **11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:**

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириши баҳосини белгилаши тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштириша акцияларни олишга бўлган имтиёзли хукуқ тақдим этилса, қўшимча равишида бундай имтиёзли хукуқка эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириши баҳосини белгилаши тартиби кўрсатилади.)

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар Банк кенгаши қарори билан белгиланадиган бозор баҳосида, бироқ номинал баҳосидан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади.**

#### **11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:**

(Акцияларни тўлаши шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўллангандা).

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мulk, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжасатлар (мол-мulkни қабул қилиши — топшириши далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек, бундай мол-мulkнинг бозор қийматини аниқлаша учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишига доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиши муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)

Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Пул маблағлари жисмоний шахслар учун нақд ва нақдсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан, юридик шахслар учун нақдсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан тўлов амалга оширилиши мумкин. Инвестор сотиб олинган акциялар учун пул маблағларини Банк билан тузилган акциялар олди-сотди шартномасида кўрсатилган муддатда тўлиқ тўлаши лозим. Банкнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни жойлаштириш муддати ичida тўлиқ ҳақ тўланиши лозим.

Акциялар учун нақдсиз шаклдаги пул маблағлари АТБ “InFinBank” Бош офисининг 29830 – баланс ҳисоб ракамларига қабул қилинади.

Банк номи - АТБ “InFinBank” Бош офиси;

Банкнинг жойлашган мазили - Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1-йй;

Банк коди – МФО 01041;

Банкнинг СТИР – 206 942 764.

Акциялар учун тўланадиган нақд пуллар АТБ “InFinBank”нинг қўйидаги кассаларида қабул қилинади:

№	Филиал номи	Банк коди	Манзил
1	АТБ “InFinBank” Бош офиси	01041	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1-йй
2	АТБ “InFinBank” Шайхонтохур филиали	01141	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 186 уй

**11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби – Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қўйидагича амалга оширилади:**

АТБ “InFinBank” томонидан ушбу ҳолат тўғрисида қонунчиликда ўрнатилган тартибда муҳим фактлар

**ҳақидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан корпоратив ахборот ягона порталаida ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)), Республика фонд биржасининг веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) ва Банкнинг расмий вэб-сайтида ([www.infinbank.com](http://www.infinbank.com)) эълон қилинади. Акциялар учун тўланган маблағлар инвесторнинг аризасида кўрсатилган банкдаги хисобварағига 3 (уч) банк иш куни давомида тўлиқ ўтказиб берилади.**

**12.** Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (кўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

**Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.**

**Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (мухим факт) ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун хужжатлари билан ўрнатилган муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Ахборот-маълумот тизими манзили – [www.infinbank.com](http://www.infinbank.com), [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz), [www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz).**

**Банк қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли ва нусхаси билан Тошкент шаҳар, Т.Шевченко кўчаси, 1-й манзили бўйича жойлашган АТБ «InFinBank» Бош офисида, нусхалари билан эса банкнинг барча филиалларида ҳамда банкнинг веб-сайтида (<http://www.infinbank.com>) танишиш мумкин.**

**13.** Бошқа маълумотлар.

**13.1.** Рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, эмитентнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2007 йил 24 декабрда 75-рақам билан рўйхатга олинган.

**13.2.** Тўлиқ почта манзили – 100029, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1-й.

**13.3.** Эмитент солиқ органининг номи ва СТИР – Миробод тумани Давлат солиқ инспекцияси, СТИР: 206 942 764.

**13.4.** Асосий фаолият турлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг (хизматнинг) турлари – **Банк хизматлари.**

**13.5.** Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар:

Корхонанинг хос рақами КТУТ (ОКПО) – 22220067;

ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури (ОКЭД) – 64190;

МШТ бўйича мулкчилик шакли (КФС) – 144;

Манзили бўйича МХОБТ тўлиқ хос рақами (СОАТО) – 1726273;

TXШ бўйича ташкилий – хуқуқий шакли (КОПФ) – 153.

АТБ «InFinBank»  
тикилган ва муҳрланган  
жами 5 (беш) варакда

Бошқарув раиси Ж.О.Токтумидаров  
Бон бухгалтер Б.Н.Бурханов

